

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил май ойининг 1 куни жиноят ишлари бўйича Қува туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: И.Норматов

Х.Абдуллаевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Қува туман прокурорининг ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов, судланувчи Б.Муҳидинов ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Қурбановнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан Муҳидинов Баҳриддин Низомидиновични айблаш ҳақидаги 1-1511-2303/86-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Муҳидинов Баҳриддин Низомидинович - 1981 йил 15 июнь куни Фарғона вилояти, Қувасой шаҳрида туғилган, тожик, таржимон хизматига мухтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қувасой шаҳридаги “Терра нова цемент” МЧЖда оператор вазифасида ишлайди, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Пакана МФЙ, Гуллола кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 27 февраль куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Б.Муҳидинов 2022 йил ноябрь ойида Қувасой шаҳар, Пакана МФЙ ҳудудидаги дала майдонларида ўсиб ётган 3 туп ёввойи наша ўсимликларини юлиб олиб, қуриштириб, кўп миқдордаги 1337 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда Қувасой шаҳар, Пакана МФЙ, Гуллола кўчаси, рақамсиз уйининг қурилиши тугалланмаган биносида 2022 йил 26 январга қадар сақлаб келган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 27 январдаги 81-сонли хулосасига кўра, Б.Муҳидиновдан олинган, қурилган ҳолдаги модда таркибида фаол гиёҳванд модда - тетродгидроканнабинол мавжуд



бўлиб, у “Марихуанна” деб аталиши, унинг соф оғирлиги 1337 граммга тенг эканлиги аниқланган.

Судланувчи Б.Мухидинов судда, ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ҳақиқатан ҳам у, 2022 йил ноябрь ойи бошларида Қувасой шаҳар, Пакана МФЙ ҳудудидаги дала майдонларида ўсиб ётган 3 туп ёввойи наша ўсимликларини юлиб олиб, қуритиб, ўзи истеъмол қилиши мақсадида уларни яшаш хонадонига олиб келиб, яшаш хонадонига қурилиши тугалланмаган бинога яшириб қўйганини, 2023 йил 26 январь куни соат 09:30 ларда яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келишиб, хонадонини кўздан кечиришларини айтишганини, у ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларини уйидаги қурилиши тугалланмаган бинога бошлаб кириб, ўша ерда сақлаб келаётган наша ўсимликларини тақдим қилганини, гиёхвандлик воситалари ашёвий далил тариқасида олинганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Д.Абдурахмонов судда, 2023 йил 13 февраль куни Қувасой шаҳар ИИБ ходимларининг таклифи билан улар томонидан ўтказилган тергов ҳаракатларида холис сифатида иштирок этганини, дастлаб ИИБ ходимлари уларга холиснинг ҳуқуқ-мажбуриятларини тушунтиришганини, ўша куни Б.Мухидиновнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати ўтказилганини, тергов ҳаракатлари давомида Б.Мухидинов яшаш хонадонига қурилиш тугалланмаган бинонинг гиёхвандлик воситалари сақлаб келган жойни кўрсатганини, сўнг ундан гиёхвандлик воситаларини қаердан олганлиги сўралганида, тадбир иштирокчиларини Қувасой шаҳар, Пакана МФЙ ҳудудидаги дала майдонига бошлаб бориб, гиёхвандлик воситаларини юлиб олган жойларни кўрсатганини баён қилди.

Гувоҳ М.Ўринбоев дастлабки терговда, 2023 йил 26 январь куни ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда холис сифатида иштирок этганини, тадбир давомида Б.Мухидиновнинг Қувасой шаҳар, Пакана МФЙ, Гуллола кўчаси, рақамсиз уйи кўздан кечирилганини, кўздан кечириш давомида Б.Мухидинов ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларини яшаш хонадонига қурилиши тугалланмаган бинога бошлаб кириб, ўша ерда сақлаб келаётган 3 туп наша ўсимликларини тақдим қилганини, ИИБ ходимлари наша барглари шоҳларидан ажратиб олиб, ашёвий далил тариқасида олишганини баён қилган.

Гувоҳ М.Собиров дастлабки терговда, гувоҳ М.Ўринбоевнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берган.

Судланувчи Б.Мухидиновнинг содир этган жинояти, унинг ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, гувоҳ Д.Абдурахмоновнинг суддаги, гувоҳ М.Ўринбоев ва М.Собировларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари билан, турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш тўғрисида баённома ва унга илова



қилинган фотосуратлар билан (и.в.6-7), суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси билан (и.в.16-17), кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар билан (и.в.56-60) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Б.Мухидиновнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан Б.Мухидиновнинг кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан қуйидаги асосларга кўра, тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи Б.Мухидинов 2022 йил ноябрь ойида Қувасой шаҳар, Пакана МФЙ ҳудудидаги дала майдонларида ўсиб ётган 3 туп ёввойи наша ўсимликларини юлиб олиб, қуритиб, кўп миқдордаги 1337 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда Қувасой шаҳар, Пакана МФЙ, Гуллола кўчаси, рақамсиз уйининг қурилиши тугалланмаган биносида 2022 йил 26 январга қадар сақлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Б.Мухидиновга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини, жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни инobatга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаган бўлсада, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят предметининг миқдорини эътиборга олиб, унга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 1337 грамм



“Марихуанна” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-474, 476-моддаларига асосланиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Муҳидинов Бахриддин Низомидинович Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

Муҳидинов Бахриддин Низомидинович Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

Жазони ўташ учун манзил-колонияларга юборилсин.

Муҳидинов Бахриддин Низомидиновичга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залида қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД 2-минтақавий ҳудуд 10-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 1 майдан бошлаб ҳисоблансин.

Дастлабки терговда гаровга қўйилиб, Фарғона вилоят ИИБнинг АТИБ “Ипотекабанк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисобрақамида сақланаётган 10.000.000 сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг гаровга қўювчи Ш.Муҳидиновга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 1336 грамм “Марихуанна” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

И.Норматов

